Ҳисоб-китобларнинг охирида битта кран танлаб олинади, бунинг учун уларни иқтисодий кўрсаткичларига кўра солиштирилиб, келтирилган солиштирма харажатларига кўра кичик бўлган вариант крани қабул қилинади.

Плиталарни монтаж қилиш учун МКГ-16 русумдаги тасмали кран танлаймиз.

Кранинг юк кўтариш қуввати  $16\text{ т} > 12.68\text{ т}$ ;

Кран кулочи  $16\text{ м} > 10\text{ м}$ ;

Кран стреласининг талаб қилинган баландлиги  $26\text{ м} > 21,4\text{ м}$ .

Устунларни монтаж қилишда кранинг монтаж қилиш баландлигини (4.2) формуладан аниқлаймиз.

$$H_m = 13 + 0.5 + 1.0 = 14.5\text{ м};$$

Кран стреласининг талаб қилинган баландлиги (4,5) формуладан аниқлаймиз.

$$H_{\text{стр}}=14,5+1.50=16 \text{ м};$$

Устунни монтаж қилишда устуннинг ва монтаж майдончалари ҳамда нарвон оғирликлари йиғиндиси

$$Q_m= 0.4 \times 0.4 \times 13 \times 2.5 + 0.11 = 5.2 \text{ тонна.}$$

Утунларни монтаж қилиш учун КС-3561 русумдаги кран танлаймиз.

Кранинг юк кўтариш қуввати  $10 \text{ т} > 5.11 \text{ т}$ ;

Кран қулочи  $20 \text{ м} > 10 \text{ м}$ ;

*Кран стреласининг талаб қилинган баландлиги  $26 \text{ м} > 16 \text{ м}$ .*

18x36м ли Спорт зал конструкцияларини монтаж қилиш учун

| № | Механизм ва мосламалар                                                           | Сони                                                                                                                   |
|---|----------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Монтаж крани – гусеницияли (МКГ-16) юк кўтариш қуввати 16т (H=26 м, L=4...16 м). | 1 дона                                                                                                                 |
| 2 | Вилдиракли кран К-106,Юк кўтариш қуввати 10т (H=18м, L=4...20м).                 | 1 дона                                                                                                                 |
| 3 | Телескопик минора                                                                | 1 дона                                                                                                                 |
| 4 | Металл инвентор тортқилар,хар бирининг оғирлиги 70 кг                            | 24 дона-1 комплект - 1,5х6 м плиталар учун (ёки 12 дона - 1комплект 3х6м- плиталар учун)<br>-50 мартта фойдаланиш учун |

## Лойиханинг техник иқтисодий кўрсаткичлари

Амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан фойдаланиб лойиханинг қуйидаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

- Ишларнинг  $1\text{м}^2$  қобик ёпмага тўғри келадиган келтирилган ишларнинг ҳажми ҳисобланиб унга мувофиқ вақт меъёрларига асосланиб меҳнат сарфи – киши соат ва машина-соатлар ҳисобланди. Меҳнат сарфини ҳисоблаш 4.4 ва 4.5 жадвалларда келтирилган. Ишлар бажарилишининг оптимал варианты таклиф қилиниб унга мувофиқ монтаж ва қурилиш ишларни бажариш графиги ишлаб чиқилган (жадвал 4.6). унга мувофиқ 1т конструкцияга сарфланадиган меҳнат ҳажми –киши/тонна ва машина/тонна кўрсаткичлари аниқланган.

Конструкциялар оғирлигини умумий иш кунига бўлиш йўли билан монтажчиларнинг ўртача иш унуми аниқланган.

**Техник иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланган.**

1. *Ишларнинг бажарилиш* муддати, ишларни бажарилиш графигидан олинади. 28 иш куни ва 18 машина сменани ташкил қилади.
2. 1т. Конструкцияни монтаж қилишга меҳнат сарфи.

$$T_p = \frac{28}{933} = 0,03 \frac{\text{киши.кун}}{\text{тонна}}$$

3. 1т конструкцияни монтаж қилишдаги сарфланган машина вақти.

$$T_m = \frac{18}{933} = 0,019 \frac{\text{маш.см}}{\text{тонна}}$$

4. Монтажчиларнинг ўртача иш унуми

$$B = \frac{258}{28} = 9,2 \frac{\text{тонна}}{\text{киши.кун}}$$

Том қопламаси (кровля) бино ёки иншоотнинг энг юқори қисми бўлиб, ташқи муҳит таъсирида бўлади ва унинг сифатига бино (иншоот)лардан фойдаланиш даврига боғлиқ бўлади. Томнинг қопламаси сув ўтказмайдиган, сувга чидамли, иссиқ бардош, мустахкам, ҳар қандай ташқи куч (шамол, дўл, ёмғир ва бошқа) таъсирига чидамли бўлиши керак.

Қўлланиладиган хом ашё турига кўра том қопламалари қуйидагилардан иборат: ўрамали қора қоғоз (рулонная), қуйма (мастичная), донали элементлар (шифер, тунука, черепица ва б).

Том қопламаларини бунёд этиш ишлари аслида бино ёки иншоотларнинг умумий қийматининг 3% ига қадарини ташкил этсада, меҳнат сарфининг 12-15% ини ташкил этади.

Ўрамали қора қоғоздан бунёд этиладиган қопламалар учун рубероид, толь, стеклорубероид, фальгорубероид, эритилган ( наплавленный) рубероид (Техноникол) кабилар ишлатилади.

Пергамин ва толь-кожа остки қатлам учун ишлатилади.

Рулон (ўрама)ли том ёпиш уй-жойлар ва саноат биноларида кенг қўлланилади. Бу иш тайёрлов ва асосий жараёнлардан иборат. Тайёрлов жараёнларига асосни тозалаш, қуришти, грунтовкаш ва рулон материалларни ёйиб қўйиш. Асосий жараёнларга мастика суркаш, рулонли материални елимлаш, ҳимоя қатлами ҳосил қилишлар киради.

Ҳамма рулон материаллар ёпиштиришдан аввал текисланиши керак. Бунинг учун рулон materiali камида 24 соат ёйиб тескари қилиб қўйилиши керак.

Тозаланган асосга суюқ мастика грунтовка сифатида ишлатилади. Томнинг нишаби 15% кам бўлса, рулон материал конёк ва карнизга паралел ёпиштирилади. Агар қиялик 15% дан катта бўлса, перпендикуляр, яъни сув оқими йўналишида елимланади.

Рулонли материални конёк (тепа қирраси)га паралел елимлашда пастдан, яъни карниздан бошланади.

Рулонлар асосан икки усулда ёпиштирилади:

1. Кетма-кет қатламлаб;
2. Бира тўла кўп қатламли (2-5) қилиб.

Томнинг қиялик бурчаги қанчалик кичик бўлса, рулон қатламлари сони шунча кўп бўлади.

Материалларни ёпиштириш вақтида иссиқ битумли мастиканинг ҳарорати  $160^{\circ}\text{C}$  дан, қатронли мастиканики эса  $120^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги керак. Мастика қалинлиги 2 мм дан ошиқ бўлмаслиги шарт.

Рулон материалларни уч кишилик звено бажаради, бунда бири сувоққа мастика суркайди, иккинчиси мастика устидан рулон материални ётқизади, учинчиси эса дастаки каток билан бостириб текислайди. Рулон материаллар қатлами бир-бирини 50-100 мм қоплайдиган (бўйламасига ёпиштирилганда 100 мм) қилиб ёпиштирилади. Ёпиштирилган рулон материалнинг иккинчи қавати биринчи қаватдаги рулон материалнинг ўртасига тўғри келсин.

Иш бошлангунга қадар қурилиш конструкцияларининг сифатини, ҳолатини яхшилаб текшириш керак.

Том ёпиш ишларини бажарувчи ишчилар ишларни хавф-хатарсиз бажариш усулларига ўргатилгандан сўнг томга чиқарилади. Уларни йиқилишдан асровчи камар (қайиш)лар билан, қиялиги  $25^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ бўлган томларда ёки ҳўл томларда ишловчилар эса планкалар қоқилган, эни 30 см ли кўчма нарвонлар билан таъминланади. Нарвонлар томда сирпанмаслиги учун маҳкамлаб қўйилиши керак.

Баланддаги айрим тарновлар, қопламалар ўрнатиш, воронкаларни жойига қўйиш ва маҳкамлашда сури, кажава ёки ҳавозаларда туриб бажарилиши керак.

Иссиқ мастика оғзи зич ёпиладиган қопқоқли идишда томга узатилади, бунда мастика идиш ҳажмининг  $\frac{3}{4}$  қисмигача тўлдирилади. Мастика ёки грунтовка тайёрлаш ишларини бажарувчи ишчиларнинг кийими бутун танани яхши бекитиши керак. Аланга олган мастикани қум ёки кўпикли ўт ўчиргич билан ўчириш керак, уни сув сепиб ўчириб бўлмайди.

Материаллар, асбоблар, идиш ва хоказоларни тушиши мумкин бўлган зонага кишилар кира олмаслиги учун бинонинг том ёпиш ишлари бажарилаётган майдонлари тўсиб қўйилади.

Олти балдан кучли шамол вақтида, том бутунлай музлаб қолганда, қуюқ туман, жала ва қор ёғаётган вақтда том ёпиш ишларини бажариш ман этилади.

**Ўқув-услубий қисм.**

## Мавзу: тахта полларни ёткизиш

Режа:

1. Турар жой биноларининг поллари.

2. Тахта поллар.

3. Тахта полларни ёткизиш

**ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:** текис ва            силик    сирт    сирпанчик  
булмаслиги емирилмайдиган чангимайдиган юрганда шовкин  
чикармайдиган иссиқлик узлаштириш коэффициенти кичик  
ёнмайдиган сув ўтказмайдиган химиявий агрессив моддалар  
таъсирига чидамли тахта поллар.

Пол - бинонинг устки якунловчи, уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсир-лардан ҳимоя қилувчи қисмидир. Поллар куч ва куч бўлмаган ташқи таъсирлар-нинг мураккаб комплекси: доимий ва вақтинчалик юклар, шамол, қор босими, температура, қуёш радиацияси, ёғин-сочин, агрессив кимёвий моддалар таъсири остида ишлайдилар.

Пол конструкцияси куч таъсирларга нисбатан мустаҳкам, устивор бўлиши, айниқса сув ўтказмайдиган қатлами нам ўтказмайдиган, намга, коррозияга чидамли, қуёш радиациясининг таъсирига қаршилик кўрсата оладиган бўлиши керак.

Пол юк кўтарувчи ёпма конструкция, иссиқлик изоляцияси ва сув ўтказмай-диган қатламли (пол қопламаси) конструкциядан иборат бўлади. Поллар чор-доқли ёки чордоқсиз бўлиши мумкин. Чордоқли полда пол ёпмаси (бу ҳолда чордоқ ёпмаси дейилади) билан томнинг сув ўтказмайдиган конструкцияси орасида ёпиқ фазо (чордоқ) ҳосил бўлади. Чордоқсиз полда пол ёпмаси билан сув ўтказмайдиган қатлам бирлаштирилган бўлади. Шунинг учун бундай полни бирлаштиришган пол деб ҳам аталади.

Полнинг устки сиртини нишаблик деб аталади. Нишабликларнинг сонига қараб поллар бир нишабли, икки нишабли, тўрт нишабли ва кўп нишабли бўлиши мумкин (1-расм). Нишабликнинг қиялиги 2 % дан кам бўлган ҳолларда полни ясси пол дейиш мумкин.

Полнинг қиялиги устки сув ўтказмайдиган қатламнинг материалига боғлиқ ҳолда қабул қилинади. Унга бино қуриладиган ҳудуднинг иқлим шароити ҳам таъсир кўрсатади. Полнинг қиялиги қанча кам бўлса, у шунча иқтисодий жihatдан афзал ҳисобланади. Лекин ёғин-сочин кўп бўладиган ҳудудларда полнинг қиялиги кўпроқ бўлгани маъқул. Полнинг катта қиялиги ҳисобига чор-доқнинг ичида катта бўш ҳажм ҳосил бўлади. Унинг бир қисмидан яшаш хо-налари ва ёрдамчи хоналар учун фойдаланиш мумкин. Бундай хоналарни мансарда(болохона) деб аталади.

### **Нишабли полларнинг кўринишлари:**

а - бир нишабли пол

б - икки нишабли пол;

в -уч нишабли пол;

г - кўп нишабли пол;

д - мансардали (болохонали) пол.

Баландлиги 5 қаватгача бўлган турар-жой биноларининг чордоқли полларида сув ўтказмайдиган қатламни (пол қопламасини) кўтариб туриш учун ёғоч материаллардан қилинадиган стропила хизмат қилади. Уларни таянган осма ва комбинацияланган стропилаларга ажратиш мумкин.

Таянган стропила йўнилмаган ёғочдан, брусдан ёки тахтадан қилиниши мумкин. Бинода битта ички юк кўтарувчи девор бўлган ҳолда,

бун-дай стропила ёрдамида 14 метргача бўлган пролётни ёпиш мумкин. Иккита ички девор ёки бошқа таянчлар бўлган ҳолларда бу масофани 16 метргача қабул қилиш мумкин.

### **Чордоқли томларнинг таянган стропиласи:**

а, б, в, г, д - бир нишабли поллар;

е, ж, з - икки нишабли поллар;

1 тахта ёки брус стропила; 2-устин; 3 -тиргаклар; 4 -мауэрлат; 5 -ригель; 6 - ховон; 7 - бўйлама проган; 8 -устин ости прогони.

Стропилалар тахтадан қилинганда улар орасидаги масофа 1-1,5 метрни ташкил қилади, брусдан қилинганда эса 1,5-2 метр қабул қилинади.

Стропила пастки учи билан ташқи девор бўйлаб ётқизилган стропил ости бруси (мауэрлат)га ёки узунлиги 500-700 мм бўлган калта брусларга таянади. Мауэрлатнинг кесими 180x180мм ёки 200x200 мм бўлиши керак.

Стропила юқоридаги учи билан томнинг тепа қиррасидаги бўйлама прогон (хари) га таянади. Бўйлама прогон эса ички деворга таяниб турадиган устинлар устида ётади. Устинлар орасидаги масофа 3-4 м қабул қилинади. Ус-тинларнинг остида ички девор бўйлаб устин ости прогони (тўсини) бўлиши керак. Устинларнинг фазовий устиворлигини таъминлаш учун уларни қия тир-гаклар ёрдамида устин ости прогонига маҳкамлайдилар.

Стропила конструкциясининг деворга тегиб турадиган барча ёғоч элементлари (мауэрлат, устин ости прогони) толь ёки пергамин ёрдамида девордан изоляция қилиши керак.

Пол шамол таъсирига чидамли бўлиши учун ҳар иккинчи стропила пўлат сим ёрдамида деворга қоқилган тишли михларга (ерларга) тортиб маҳкамлаб қўйилиши талаб қилинади. Чордоқ ёпмасининг устидан мауэрлатнинг остигача камида 400 мм девор қилиш керак, чунки вақти-вақти билан стропила конструкцияларининг ҳолатини текшириб туриш, зарур бўлганда таъмирлаб туришга қулай бўлиши керак. Чордоқнинг ўрта қисмида ёпмадан пол қиррасининг бўйлама прогонининг остигача бўлган баландлик 1,9 мдан кам бўлмаслиги лозим.

Осма стропилалар бинода ички юк кўтарувчи девор ёки бошқа таянчлар бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Унча катта бўлмаган пролётларда (6 метргача) конструкция стропила ватортқичдан иборат бўлади ҳалос. Пролёт ортиб бориши билан осма стропила конструкциясига ригель, "бабка", тиргаклар қўшилиши мумкин. Стропиланинг элементлари ўзаро ўйиш (врубка) усули билан бириктирилади. Осма стропилаларда материал сарфи таянган стропилалардагига қараганда кўпроқ ва бу уларнинг асосий камчилигидир.

Комбинацияланган стропилалар қўлланилганда материал сарфи осма стропилалардаги нисбатан камаяди. Чунки уларда осма стропилава таянган стропилаларнинг ишлаш принциpidан фойдаланилади. Бунда осма стропила фермалари ҳар 4-6 метрда ўрнатилади. Уларнинг устидан пол қиррасини ҳосил қилувчи прогон (хари) ҳамда таянган стропилаларни ушлаб туриш учун қўшимча прогонлар қўйилади. Таянган стропилалар орасидаги масофа, тахта ёки брусдан қилинганлигига қараб 1-2 метр қилиб белгиланади.

Стропила устидан кесимининг ўлчамлари 40x40 мм ёки 50x50 мм брус-чалардан стропилага перпендикуляр йўналишда обрешётка қоқилади. Улар орасидаги масофа пол қопламасининг материалига боғлиқ -250 мм дан 400 мм гача бўлиши мумкин.

### **Чордоқли томнинг комбинацияланган стропиласи:**

- 1 -осма стропила фермаси;
- 2 -пол қиррасидаги бўйлама прогон;
- 3 –қўшимча прогонлар;
- 4 -таянган стропила;
- 5 – мауэрлат.

Бундай полларда пол қопламаси сифатида тўлқинсимон асбестоцемент листларидан, черепицадан, пол тунукасида ва вақтинчалик биноларда пергамин, руберойд, гидроизол каби ўрамли материаллардан фойдаланилади.

Турар –жой биноларининг баландлиги 5 қаватдан кўп бўлганда ёғоч стропилали поллар қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки баландлик ошган сари шамолнинг босим кучи шунча катта бўлади ва пол конструкциясининг мустаҳкамлиги ва устиворлигини таъминлаш қийинлашади. Бундай ҳолларда ғишт ва майда блок-лардан қуриладиган кўп қаватли биноларда ҳам йиғма темирбетон пол қилингани маъқул Бундай пол ҳам чордоқли ёки чордоқсиз бўлиши мумкин.

### **Йиғма темирбетон қўлланилган чордоқли (а) ва**

#### **чордоқсиз пол (б).**

Йиғма темирбетон пол ёғоч стропилали полларга нисбатан қимматроқ, лекин бинодаги қаватлар сонининг ортиши билан бирга ундаги фойдали майдон ҳам кўпаяди. Полнинг нархини фойдали майдонга нисбатан олиб қаралса темирбетон полнинг солиштира нархи ёғоч стропилали полларникидан унча катта фарқ қилмайди. Турар-жой биноларида Ўзбекистоннинг иқлим шароитида чордоқсиз темирбетон

полнинг қўлланилиши тавсия этилмайди. Чунки бундай биноларда ёзда охириги қаватдаги хоналарнинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши кузатилади.

**МЕҲНАТНИ МУХОФАЗА ЭТИШ ВА  
ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ**

## **Қурилиш монтаж ишларини бажаришда техника хавфсизлиги.**

Қурилиш монтаж ишлари олиб борилаётган ҳудудларда ҚМҚ 3.01.02-00 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” талабларини бажариш талаб этилади ва бегона шахсларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

Конструкцияларнинг монтаж қилишга мўлжалланган элементлар ифлосликлардан ва ёпишмалардан тозалаган бўлиши лозим.

Конструкциялар ва ускуналарни илишни талабларини қаноатлантирувчи ҳамда юкни тутиб олиш воситасигача баландлик 2 м ортик бўлган ҳолларда узоқдан туриб илмокдан тутиш воситалари воситасида бажариш лозим. Монтаж қилинувчи конструкциялар ёки ускуналар ва элементларни кўчириш пайтида чайқалиш ва айланишдан қайишқоқ тортқичлар воситаси сақлаб турилиши лозим. Конструкциялар ва ускуналар элементларида, уларни кўтариш кўчириш пайтида одамларнинг бўлишига йул кўйилмайди. Ишда танаффус бўлганда, конструкцияларнинг ва ускуналарни кўтарилган элементларини осилган ҳолда қолдиришга рухсат берилмайди.

Монтаж қилинувчи конструкцияларни муваққат маҳкамлаш учун тортқилар ишончли таянчларга фундаментларга маҳкамланиши лозим. Тортқилар сони, уларнинг материалларига; кесими, таранглаш усуллари ва маҳкамлаш жойлари ишлар ҳаракатлари ўлчамларидан ташқарида жойлашишлари лозим. Тортқилар қурилиш бошқа конструкцияларнинг ўткир бурчакларига тегмасликлари лозим. Бошқа конструкциялар элементлари билан тортқиларнинг тегишиш жойларида уларни эгишга ушбу элементларнинг тортқидан берилган зўриқишлар таъсирига мустаҳкамлиги ва устуворлиги текширилганидан кейингина рухсат берилади.

Монтажчиларнинг бир конструкциядан бошқасига ўтиши учун инвентар нарвонлардан, тусикқа эга бўлган ўтиш кўприклари ва траплардан фойдаланиш лозим. Монтажчиларнинг махсус сақлагич мосламалардан фойдаланмасдан ўтиш кенглигини таъминловчи тўсиқлар ўрнатиш мумкин

бўлмаган ўрнатилган конструкциялар ва уларнинг элементлари (деворлар, тўсинлар ва ш.у.) буйича ўтишларига рухсат берилмайди.

Конструкциялар ёки ускуналарнинг лойихадаги ҳолатига ўрнатилган элементлари уларнинг устуворлигига ва геометрик ўзгармаслиги таъминланадиган қилиб маҳкамланиши лозим.

Лойихавий ҳолатга ўрнатилган конструкциялар ва ускуналар элементларини илгичлардан чиқаришни уларни доимий ёки муваққат ишончли маҳкамлашдан кейин бажарилади. Конструкциялар ёки ускуналарнинг ўрнатилган элементларини илгичлардан чиқаргандан сўнг кўчириш, ПНР да асосланган ҳоллардан ташқари вазиятларда рухсат берилмайди.

Монтаж ишларини шамол тезлиги 15м/с ва ундан ортиқ ҳолатларда, баландликда очик жойларда, тойғонокда, яшинда ёки иш фронти доирасида кўринишни чеклайдиган туманда бажариш тақиқланади. Тик панелларни ва уларга ўхшаш қатланувчи конструкцияларнинг шамолнинг 10 м/с ва ундан ортиқ тезликларида кўчириш ва ўрнатиш ишларини тўхтатиш лозим. Конструкциялар ва қурилмаларнинг монтаж қилинаётган элементлари лойихавий ҳолатга ўрнатилмагунча ва маҳкамланмагунча уларнинг тагида одамларнинг бўлиши тақиқланади.

Ишловчиларнинг монтаж қилинаётган ускуналар (конструкциялар) тагида бўлишлари, шунингдек ускуналар (конструкциялар)да ишлашлари лозим бўлганида, ишловчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи махсус тадбирлар амалга оширилиши лозим. Монтажчиларнинг баландликда ишлаши учун зарур бўлган осма монтаж майдончалари, нарвонлар ва бошқа мосламаларни монтаж қилинувчи конструкцияларда уларни кўтаргунича ўрнатиш лозим.

Ишлаётган корхона шароитларида монтаж (демонтаж) ишлари бажарилаётганда, ишлар зонасида ишлатилаётган электр тармоқлари ва бошқа ишлаётган муҳдндислик тизимлар узиб қўйилиши, учлари

туташтирилиши, ускуна ва қувур ўтказгичлар портлаш хавфи бўлган, ёнувчи ва зарарли моддалардан халос қилинишлари лозим.

Монтаж ишларини бажаришга киришгунча монтажгарахбарлик қилувчи шахс билан машинист орасида шартсигналлар алмашиш тартиби ўрнатилиши лозим. Ошкора хавфни сезган ҳар қандай ходим томонидан берилиши мумкин бўлган “Тўхта” сигналидан ташқари барча сигналлар фақат ягона шахс (монтаж бригада бригадир, звено раҳбари такелажчилувчи томонидан берилади.

Алоҳида масъулиятли ҳолларда (конструкцияларни осма такелаждан фойдаланиб кўтаришда, буриш услубида, катта ўлчамли оғир конструкцияларни суришда, уларни иккита ёки ундан кўпроқ механизмлар билан кўтаришда ва.б) сигнални, хавфли узил талабларини таъминлаш бўйича техникавий тадбирларни ишлаб **чиқиши**ва амалга оширишга масъул муҳандис-техник ходимлар иштироқи фақат монтаж бригадаси бригадир беради.

Бинонинг ёки иншоотнинг ҳар бир навбатдаги яруси (учаска конструкциялари монтажи (олдинги) яруснинг (участканинг) бор элементлари лойиҳага мос тарзда ишончли маҳкамланганидан кейин бажарилиши лозим.

Баландиги 5м дан ортиқ бўлган осма металл нарвонлар талабларига жавоб бериши ёки вертикал боғланишли металл ёйлар билан тўсилиши ҳамда конструкцияларга ёки ускунага ишончли маҳкамланиши лозим. Ишчиларнинг осма нарвонлар бўйича 10 м дан ортиқ баландликка кўтарилишига фақат нарвонлар баландлик бўйича кўпи билан ҳар бир 10 м да олиш майдончалари билан жихозланган ҳоллардагина рухсат берилади. Бинолар синчи монтаж қилинаётганда олдинги ярусда туюқ конструкциялар ёки муваққат тўсиклар ўрнатилганидан кейингина навбати ярусни ўрнатишга рухсат берилади. Конструкцияларни монтаж қилиш жараёнида монтажчилар олдин ўрнатилган ва ишончли маҳкамланган лаз конструкцияларда ёки хавозаларда туришлари лозим. Биноларнинг (иншоотларнинг) зинапоёлари

ва зина майдончали шунингдек юк-одам қурилиш кўтаргичлари (лифтлари) монтажи конструкцияси монтажи билан бир вақтда бажарилиши лозим. Монтаж қилинган зиналарга дархол тусиқлар, ўрнатилиши лозим.

Конструкцияларнинг ва ускуналарни бўяш ва коррозияга қарши химояси қурилиш майдончасида бажарилаётган ҳолларда бу ишларни улар лойиҳада белгисига кўтарилгунча бажариш лозим. Бўяш ёки коррозияга қарши химояни кўтаришдан кейин факат чокларда ёки конструкцияларнинг уланмаларидагина бажариш мумкин. Монтаж қилинадиган ускунани очишни ва ишга ростлашни ишларни бажариш лойиҳдсига ажратилган зонада, махсус токчаларда ёки баландлиги камида 100 мм бўлган тагликларда бажарилиши лозим. Ускуналарни очаётганда, портлаш ёки ёнғинга хавфли хоссали материаллардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Йиғиб йириклаштириш ва монтаж қилинувчи конструкциялар ва ускуналарни қўшимча тайёрлаш (кувурларда резба кесиш, қувурларни эгиш, чокларни мослаш ва шунга ўхшаш) ишларни бу мақсад учун махсус ажратилган жойларда бажарилиши лозим.

Йиғув муолажаларини бажариш жараёнида тиркишларни ростлаш ва монтаж қилинувчи қисмларда уларнинг - мос тушганлигини текширувни махсус асбоблар (конус кийдирма, йиғма тикинлар ва б.) воситасида бажарилиши лозим. Тиркишларнинг йиғилувчи қисмларда мос тушувини қўл бармоқлари воситасида текширишга рухсат берилмайди.

Ускуналарни портлаш хавфи бўлган муҳитда шароитида йиғувда учқун ҳосил бўлиш имконини истисно қилувчи асбоблардан, мосламалардан ва жихозлардан фойдаланиш лозим. Ускунани монтаж қилишда унинг ўз-ўзидан ёки тасодифий ишга тушиши истисно қилиниши лозим.

Конструкциялар ёки ускуналарни кўчиришда улар билан монтаж қилинган ускуна ва бошқа конструкцияларнинг чиқиб қисмлари орасидаги масофа ўқ бўйича камида 1 м, вертикал бўйича эса, камида 0,5 м булиши лозим.

Юк кўтариш воситалари юк арқонлари ва полиспастларнинг монтаж жараёнида тикдан четлашиш бурчаклари паспортда, тасдиқланган лойихада ёки ушбу юк кўтариш воситасининг техникавий шартларда кўрсатилган катталиқдан ортмаслиги лозим. Конструкциялар ёки ускунани қия текислик бўйича туширишда тушиш тезлигини зарурий ростлашни таъминловчи тормозловчи воситаларқўлланилиши лозим. Электр симлар яқинида ускуналар қисмларини ҳамда ўтказгич ва хаво симларини монтаж қилишни (монтаж қилинувчи қисм звено энг катта узунлигига тенг масофалар чегарасида) кучланиш олинган ҳолда бажариш лозим. Кучланишни олиш имкони бўлмаганда, ишларни белгиланган тартиб тасдиқланган топшириқ-қуйма бўйича бажариш лозим.

Махсулот билан синалган монтаж қилинган технологик ускунада конструктив етишмовчиликларни бартараф қилиш ва камчиликларни йўқотиш барча ишларни тегишли кичик пудратчи ташкилотлар билан биргалик буюртмачи билан бош пудратчи ҳамкорликда ишларнинг хавфсизлиги бўйлар тадбирлар ишлаб чиқиб тасдиқланганидан кейингина бажариш лозим.

Бош пудратчи ва буюртмачининг ёзма рухсатсиз монтаж қилинади ва ишлаётган ускуна орасида боғланишлар урнатиш ва уларни узи шунингдек ишлаётган (электр, буг, технологик ва хоказо) тизимлар: Уни муваққат қурилмаларни улашга рухсат берилмайди.

Конструкциялар ва ускуналарни булаклайётганда, монтаж ишлар қўйиладиган талаблар бажарилиши лозим. Битта вертикал бўйича иккита ёки ундан ортиқ сон ярусларда бирвақтда конструкцияларни бўлаклашга ёки ускуналарни ажратишга рухсат берилмайди.


Ғишт терувчиларга ва конструкцияларни ўрнатувчи монтажчиларга корхона томонидан шахсий химоя воситалари намунавий нормаларга мувофиқ текинга берилади. Ишчиларга берилган шахсий химоя воситалари қурилиш ташкилотларининг шахсий мулки ҳисобланади, уларнинг хизмат муддати тугагач янгича алмаштирилиши, шунингдек ишчи бошқа ишга


ўтганда ёки хизматидан бўшаганида ҳам бу анжомларни қайтариб бериш лозим.

Қишда ишчиларга иссиқ кийимбош ва пойафзал берилади. Баҳор келиши билан улар сақлаб қўйиш учун қурилиш ташкилотига топширилади. Иш тугагандан кейин корхона ва шахсий химоя воситалари қурилиш майдончасидаги кийиниш-ечиниш хонасидаги жавонда сақланади. Эҳтиёт белбоғи, химоя кўзойнаги, каска ва бошқа буюмлар ишчиларга вақтинчалик берилади. Иш олиб бориш учун зарур асбоб, ускуна ва мосласалар иш характериға мос бўлиши зарур. Хавоза ва сўриларда туриб иш бажарилаётганда у мустаҳкам мослама билан 1,0 м баландликда ўралган ва иш бажарилаётганда белиға хавфсизлик белбоғини тақиб олиш зарур.

Хавоза ва сўриларға сиқиб тушиш учун махсус туйғичли зина бўлиши керак.

**ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАР**





**ХУЛОСА:** хулоса килиб айтганда ҳозирги замонда қурилиши тобора ривожланиб бормокда. Қурилатган ҳозирги биноларни полсиз тасавур килиб бўлмайди. Пол бинонинг асосий қисмларидан биридир. Мени диплом лойиҳамда тахта полларни урнатилиши қисман ёритилган. Мавзум бўйича “Тахта полларни ётқизиш” бўйича дарс ўтиш услубини яратиш. Аввалам бор укувчиларга полнинг ўзи нима унинг турлари ва вазифаси ҳақида тушунча берилади. Сунг полнинг бинода нақадар муҳим вазифа бажарилиши ўқитилади. Ҳар хил қизиқарли маълумотлардан фойдаланиб укувчиларни қизиқишини оширади.

Мен ҳам мана усуллардан фойдаланиб диплом лойиҳамни мана шу тарзда ёритдим. Келажакда қурилишларда бинода пол ишлари бўйича бирор янгилик яратишга ҳаракат қиламан.

# АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

# Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон 21 асрга интилоқда”
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч”
3. И.А.Каримов “21 аср бўсаҳасида ҳавфсизликка таҳлид барқарорлик шартлар ҳамда таракқиёт қафолатлари”
4. Шабаратов П.П. композиция-Т “Янги аср авлоди” 2007 йил.
5. Ғуломов К.М. “Амалий санъат” Т.Иқтисод молия 2008
6. Қосимов К. Наққошлик Т, Ўқитувчи 1990
7. Азимов И. Ўзбекистон нақши нигоралари Т.Ғ.Ғуломов номидаги адабиёт ва санъат нашрети 1987
8. А.Холиқов Педагогик маҳорат 2001
9. Рахимов А.,Абраев К. “Битирув малакавий ишларни бажариш учун услубий кўрсатма” Самарканд СамДАҚИ 2013 й.
10. И.Олимов “Қасб таълим услубияти 2004”
11. W.W.W Ziyonet.uz.
12. W.W.W. Kulol.uz.